

ШАРҚОНА  
БОЗОРЛАРИМИЗГА  
СИФАТЛИ МАЎСУЛОТЛАР  
ЯРАШАДИ

ЎЗБЕК МОДАСИНИНГ  
ДОВРУФИ  
ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ  
ҚИРРАЛАРИ

АЁЛ ҚАЛБИ ГУЛДАН НОЗИК,  
СИЗ УЛАРГА БАХТ БЕРИНГ

ЯХШИЛАР КЎП ДУНЁДА  
ОҚ ХАЛАТГА ДОФ  
ТУШМАСИН

ЧОРШАНБА



# ТОШКЕНТ

## ОҚШОМ

Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 15 (9.818)

2003 йил 22 январь

**ПОЙТАХТНИНГ**  
*бир кунни*  
Янгиликлар, воқеалар

**ҚИСҚА**  
*сатрларда*

□ **ЭРТАГА** Тошкент шаҳар ҳокимлигида Вояга етмаганлар ишлари бўйича шаҳар комиссиясининг 2002 йилда амалга оширилган фаолиятига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

□ **«МИЛЛИЙ** истиклол яси»; асосий тушунча ва таъмиллари — **«Бугун»** ушбу мавзуда Бектемир туманидаги 290-мактабда кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Шу йўналишдаги тадбир Яккасарой туманидаги Хуршид номидаги маданият уйида ҳам уюштирилди.

□ **ОЛИЙ** ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ва «Узинфоком» компьютерлаштиришни ривожлантириш маркази ўзаро ҳамкорликда «Ахборот технологиялари соҳасидаги энг яхши маҳсулот» танловини ўтказишни режалаштиришмоқда. Ташкилотчилар хабарига кўра, танлов голиблари совринлардан ташқари бепул интернетда ишлаш ҳамда соҳа бўйича хорижда ўқиб келиш каби имтиёзларга эга бўлади.

□ **БУГУН** «Ўзбекэнерго» давлат акциядорлик компанияси қошида Тошкент Давлат юридик институти ташаббуси билан «Аграр қонунчилик муаммолари» мавзусида конференция бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда қишлоқ хўжалиги қонунчилигини такомиллаштириш, ушбу соҳада ҳар томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий заминини шакллантириш масалалари муҳокама қилинади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

• **ПОКЛАНИШ**

Мустақиллигимиз шарофати билан ҳар йили минглаб ватандошларимиз муборак ҳаж сафарини адо этишмоқда.

**БУГУН**

эрталаб ва пешинда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг икки махсус рейсида ҳаж рисоалари билан таъминланган, таништирилган 500 га яқин дастлабки юртодошларимиз Муборак ҳаж сафарига жўнаб кетишди.

## Ҳунарлининг қўли гул

хунарларни ўргансалар, нафақат ўз уйларида, балки эртага янги оилага келин бўлиб борганларида ҳеч тортинмай, бор маҳоратларини намоён этадилар ва уларни «қўли гул экан», «қўли ширин экан, барака топсин», «хўп яхши хунарлар ўрганган экан» деб дуо қилишади. «Хунарли хор бўлмас» деб шунга айтсалар керак. Сиз

суратда кўриб турган чеварлик сирларини ўрганаётган қизлар ҳам эртага албатта ўз касбларининг усталари бўлиб етишади.

(Шаҳримизнинг фаол, заҳматкаш ва зукко аёллари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган саҳифа материалларини 4-5-бетларда ўқийсиз)



## АМАЛИЁТЛАР УЎЗГАРТИРАШАДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитасида Халқаро ҳамкорлик бўйича Америка агентлигининг (USAID) Марказий Осиёдаги миссияси директори Жорж Дейкун билан учрашув бўлиб ўтди. Мазкур ташрифдан кўзланган асосий мақсад мамлакатимиз Давлат божхона кўмитаси ҳамда USAID ўртасида божхона соҳасида ўзаро ҳамкор-

лик алоқаларини янада ривожлантиришдан иборатдир.

Давлат божхона кўмитаси раиси Б.Парпиев билан суҳбат чоғида АҚШ ҳукумати мамлакатимиз божхона хизматида техникавий жиҳатдан катта ёрдам кўрсатаётгани таъкидланди. Агентлиқнинг мамлакатимиз божхона соҳасидаги қонунчилиги ҳамда амалиётини Жаҳон савдо ташкилоти талаблари да-

ражасига яқинлаштириш ва уйғунлаштириш жараёнидаги ёрдами ҳам самарали бўлмоқда.

Ж.Дейкун АҚШ томони Ўзбекистонга бу борада берилётган кўмакни янада кенгайтиришини маълум қилди. Хусусан, яқин орада Ўзбекистонга Агентлиқнинг бевосита божхона соҳаси билан шуғулланувчи экспертлари келишини айтиди.

(ЎЗА мухбири)

## Ҳаж сафарига жўнаб кетишди

Уларга Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ажратилган оқори малакали тиббиёт ходимлари ҳамроҳлик қилишмоқда.

Шу тариқа ҳамюртларимиз 29 январга қадар ҳар кунни Ҳаж сафарига учиради. Бу йилги қулайликлардан бири шундаки, Наманган, Фарғона ва Андижондан муборак сафарга отланганлар водийнинг ўзидан ҳаво кемаларида жўнашади.

(Ўз мухбиримиз)

**XXI саҳифа**  
Барча манбалардан  
олинган сўнгги хабарлар

**Мамлакатимизда**

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра Ойбек Рустамович Ҳасанов Ўзбекистон Республикасининг Малайзиядаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланди.

• Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ва вилоят ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича биринчи ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари ҳамда агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг семинар мунозараси давом этмоқда. Ўқув дастурига мувофиқ академияда қишлоқ хўжалиги соҳасида ислохотларни янада чуқурлаштириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

• Табиати муҳофаза қилиш давлат қўмитасида Ўзбекистон ҳукумати ва БМТ Тараққиёт дастурининг кўмаги — Атроф-муҳит дастурини бажариш масалаларига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

• Ўзбекистон тўқимачилик ва энгил саноатини ривожлантириш концепциясига кўра, 2005 йилгача бўлган даврда олтинчи лойиҳани амалга ошириш учун 45,05 миллион АҚШ доллари миқдорига чет эл инвестициясини ўзлаштириш бошланди.

• Самарқанд вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти катта ўқувчиси Зоя Ким таълим, санъат ва адабиёт соҳасидаги алоҳида хизматлари учун Францияда бериладиган «Пальма шохи» мукофотиغا сазовор бўлди.

**Жаҳонда**

• Берлиндаги Messe Berlin кўргазмалар комплексига «Яшил ҳафта» деб номланган 68-халқаро қишлоқ хўжалик кўргазмаси ўз ишини бошлади. Ушбу кўргазма доирасида Ўзбекистон делегацияси бир қанча нуфузли тадбирлар, жумладан «Глобаллашув нуктаи назаридан Европа Иттифоқининг аграр сисъати» халқаро анжуманида иштирок этади.

• Сингапурлик олимлар инсон миёсида пайдо бўладиган турли ишларнинг операция қиладиган робот яратишди. Натихда бундай операциялар вақтинчи икки баробар қайтариш имкони туғилди.

• Голливуд Хорижий матбуот ассоциациясининг 90 аъзосидан иборат ҳайъати кинематография соҳасидаги йиллик «Олтин глобус» мукофоти совриндорларини аниқлади.

• Сербиянинг собиқ президенти Милан Милоотинович ўз хоҳишига кўра жиноятларига жавоб бериш учун ҳарбий жиноятлар бўйича Гаага трибунализига келди. Прокурорларнинг айтишича, Милоотинович 1999 йили Косово албанларига қарши террорни уюштиришда қатнашган.

• Европа Иттифоқининг комиссарлари — Гюнтер Ферхойген ва Паскаль Лами Германия ҳамда Францияни иттифоқ қилиб бирлаштириш таклифи билан чиқашди.

## Иқтисодиёт

## Тўйимли ва мазали

Шайхонтохур туманида фаолият кўрсатаётган «Суфра» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонаси тадбиркорлари ўз олдиларига республикамиз ички бозорини сифатли, четдан келтириладигандан асло қолишмайдиган озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни мақсад қилиб кўйган эдилар.

Хозирги кунда корхона ўз олди-га қўйган вазифани адо эта бориб маҳаллий хом ашёдан 10 хилдан ортиқ қаңдолат маҳсулотлари тайёрлаб, аҳоли дастурхонига етказиб бermoқда.

Корхонада фаолиятининг илк даври 1997 йилда бир йилда 95 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, кейинги йилларда изланшлар ўз самарасини бериб йилига 900 тоннадан зиёд печенье, зефир, мармелад маҳсулотлари бежирим ва таллаблар даражасида қадоқланиб тайёрланмоқда.

— Ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиб бораётганига асосий сабаб, корхонамизнинг замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланганлиги ва уларни тўла қувват билан ишлатишга интилаётганимиздир, — дейди корхона бош директори Улугбек Нурсатов. — Жорий йилда бозорни ўрганиб, харидорлар талабини эътиборга олиб янги цех очишни режалаб турибмиз. Айниқса, маҳсулот қадоқланишига жиддий эътибор қаратамиз. Янги цехни жиҳозлашда, албатта бизга ҳамкоримиз — «Стамфорд Капитал ИНК» корпорацияси янги технологиялар билан ёрдам беради. Халқимизга янада мазали, тўйимли ва энг муҳими сифатли қаңдолат маҳсулотлари етказиб берамиз.

## Талаб

## қондирилмоқда

«Этиккод» хусусий фирмаси мебелсозлари ўз олди-га сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш баробарида харидор талабини қондиришни асосий мақсад қилиб қўйишган. Албатта, бунга бозорни ўрганиш, харидор дидига эътибор қаратиш ҳамда замонавий дастгоҳлардан унумли фойдаланиш вазифа эришилишини жамоа тадбиркорлари яхши англашмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган мебелнинг нафақат ташқи кўриниши, балки мустаҳкамлиги, узoқ муддат фойдаланишга чидамлилиги ҳам буюртмачилар сонини ортириб, ишлаб чиқариш ҳажми кўпайишида муҳим ўрин тутди. Шу боис ҳам «Этиккод»чилар маҳсулот турларини янги кўриниш асосида кўпайтиришмоқда.

Корхонада бугунга келиб мебеллар тури 10 хилдан ошиб кетди. Мебелсозлар сафи ҳам кенгайиб ўтган йилда 30 та янги ишчи ўрни яратилди. Жамоа қошида шўъба корхонаси ташкил этилди.

— Биз учун энг муҳими сифат, — дейди корхона раҳбари Абдугани Қосимов. — Бунинг учун эса ҳар бир маҳсулот дизайн, ишлаб чиқариши устида тинмай изланамиз. Керак бўлса, хорижда давлатлар мебелсозларидан ўрганиш учун халқаро ярмаркаларда ҳам иштирок этиб, улардаги зарур нарсаларни ўзимизда таътиб этамиз.

Жорий йилда фирмага мебелсозлари янгиликлар яратиш йўлида иш бошландилар. Буюртмалар ортаёганлиги сабабли Тошкент вилоятида шўъба корхонаси очилди, уни замонавий дастгоҳлар билан жиҳозлаш, ёшларга иш ўринлари яратиш ҳам режаланган. Энг эзгу ният эса рақобатда хорижикидан асло қолишмайдиган маҳсулотларни харидорларга тортиқ этишдир.

Дилноза ФИЁСОВА

## • ЎЗБЕКИСТОНДА ТАЙЁРЛАНГАН


## Имкониятлар ишга солинмоқда

Бозор иқтисодиёти шароитида юртимизда давлатимиз томонидан тадбиркор ва ишбилармонларга яратилаётган қулай шарт-шароит ва имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда иш юритаётган кўплаб корхоналар ва хусусий тадбиркорлар фаолиятлари ривожланиб бормоқда. Мана шундай имкониятлардан оқилона фойдаланаётган корхоналардан бири Собир Раҳимов туманидаги «SARDOR-IMPEX» Ўзбекистон — Туркия қўшма корхонасидир.

Жамоа 2001 йилнинг март ойида иш бошлаганди. Ўтган қисқа вақт ичида корхона маҳсулотларидан фойдаланаётган буюртмачилар уларнинг бир қатор афзалликларидан, сифатидан мамнун бўлишмоқда. Корхонанинг Туркия, Германия ҳамда Италиядан келтирилиб ўрнатилган дастгоҳлар билан жиҳозланганлиги, уларда меҳнат қилаётган ишчи ходимларнинг юксак малакалари сифатли, рақобатбардош маҳсулотлар тайёрлашга муҳим ҳисса қўшмоқда.

Корхона ўтган — 2002 йилда 650 миллион сўмлик маҳсулот сотди. Жамоатда 60 нафар малакали, ғайрат-шижоатли ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқдалар. 4 та ишлаб чиқариш: аккумулятор, паралон, пластик ҳамда алюминли витражлар цехларида тайёрланаётган сифатли, хорижикидан анча арзон бўлган маҳсулотлар тобора буюртмачилар сони ортишига омил бўлмоқда.

«SARDOR-IMPEX» қўшма корхонаси мутахассисларининг изланишлари, ҳаракатлари зое кетаётгани йўқ. Боиси, иш бошлаганида битта цехда — бир хил маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бугунги кунга келиб, уларнинг сони тўртга етказилди. Улар «Ўзбекистонда тайёрланган» ёрлиги остида Марказий Осиё мамлакатларига экспорт қилинмоқда. Аммо корхона жамоасининг асосий мақсади эса ички бозорни сифатли, жаҳон андозларига мос маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда унда



ўзининг муносиб ўрнини эгаллашдир. Импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқариб, харидорлари сафини кенгайтиришга тинимсиз интилаётган қўшма корхонанинг имкониятлари кенг. Ана шу имкониятларни ишга солиш мақсадида корхонадаги мавжуд лабораторияда изланишлар олиб борилиб, тахрибалар синая кўрилади.

Корхонада жорий йилда кўпгина режаларни амалга ошириш кўзда тутилган. Мамнуният билан қайд қилиш керакки, маҳсулотлар ҳажмини ошириш, турларини янада кўпайтириш асосида ёшларга иш ўринлари кўпаяди. Бугунги кундаги саъй-ҳаракатлар эса уларни тўла амалга ошириш йўлидаги интилишлардир.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУРАТЛАРДА: корхона фаолиятдан лавҳалар.

Тоҳир Нигматуллин олган суратлар.



## • ТРАНСПОРТ

Шаҳримиздаги 18-автосарой транспортчилари пойтахтимиз йўловчиларига намунали хизмат қилишга интилишмоқда.

## Қулай шароит яратилган

Автосаройда 580 нафар ходим фаолият кўрсатиб, турли русумдаги 146 та автобус 18 та йўналиш бўйича ҳаракатланади. Акмал Абдуллаев, Сергей Василев, Ҳосил Мирсоатов, Маҳмуд Толипов каби илғор ҳайдовчиларнинг жамоа

орасида ўрни салмоқли бўлиб, улар сидқиқидан ишлашмоқда.

Ишчи-хизматчиларга яхши меҳнат ва дам олиш шароитлари яратилган. Ўтган йили корхонада назорат бўлими, ходимларнинг маданий ҳордиқ

чиқарадиган бинолари қуриб битказилди. Жорий йилда эса автосаройда таъмирлаш ишлари давом эттирилиб, ҳайдовчиларга бир хил иш кийимлари жорий қилиш режалаштирилган.

Шахло ҲОШИМОВА

## Ўзбек модаси Швейцарияда

Швейцариянинг Альтендорф шаҳрида давлатимиз элчихонаси ва Ўзбекистон Республикасининг мазкур шаҳардаги Савдо кўرғазмалар маркази томонидан ташкиллаштирилган мамлакатимизнинг етакчи модельерлар мажмуасининг намоийши бўлиб ўтди. Тақдиримотда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий, тадбиркор доиралари вакиллари, таникли маданият арбоблари, журналистлар ҳозир бўлдилар.

Асл миллий руҳда безатилган Савдо кўрғазмалар маркази шу кунги ўзбек модаси, унинг аънана ва манбалари, ҳозирги замон ривожланиши ва йўналишларига катта қизиқиш билдирган меҳмонлар билан тўла бўлди.

Кўрғазмадан жой олган ҳар бир экспонат халқимизнинг бой маданиятга эгалигини акс эттирди. Хусусан, турли рангдаги газлама ва кийимлар, либос ва халқ амалий санъати буюмлари ўзининг гўзаллиги, бетакрорлиги, чучук ички мазмуни, латофати билан бу ерга ташир буюрган Швейцария жамоатчилиги вакиллари диққат-эътиборини ўзига жалб этди.

Тадбир модельер Т. Воликовнинг шарқона ва ҳозирги замон услубларини ўзида муҳассам этган замонавий кийимлар мажмуасини намоийш этишдан бошланди. Муаллифининг ўзбек хонатласини бошқа миллий газлама ва матолар билан уйғунлаштириши

мажмуага янада бетакрорлик бахш этди.

Иккинчи бўлиб Ўзбекистонда етакчи модельерлардан бири Лола Бабаеванинг кийимлар мажмуаси намоийш этилди. Мазкур кийимларнинг ҳар бири муаллифининг танланган газлама ва матонинг асл моҳиятини чуқур англаш, уни ҳис этиш ва жамолани ўзгаларга етказишга бўлган интилишини акс эттирди.

Хоразм йўналишидаги кийим-кечаклар, минтақамиз халқлари келинларининг момқиқдек оппоқ шойидан тикилган либослари, адрес ва беқасам газламалари уйғунлашган кийимлар мажмуаси тадбирда ҳозир бўлганларга ўзбек модасининг тарихи ва аънана-лари, унинг ривожланиши ва жаҳон модасига фаол интеграциялашуви жараёни билан яқиндан танишиш имконини берди.

А. АКБАРОВ,  
«Жаҳон» АА,  
Альтендорф.

## Мармар плиталар

Тошкент шаҳридаги «Инвест-Тош» масъулияти чекланган жамияти хом ашёдан мармар плиталар ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлиги билан харидор эътиборини қозонмоқда.

Мазкур линия йилига 50 минг квадрат метр мармар безак плиталари ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхона бундан тўрт йил олдин илк бор 10 минг квадрат метр маҳсулот тайёрлаган бўлса, ҳозир йилига 45 минг квадрат метр ана шундай плита ишлаб чиқармоқда. Мазкур мураккаб, замонавий линия маҳаллий корхона ишчи-хизматчилари томонидан бошқарилмоқда.

Мармар плиталар пойтахтимиздаги кўплаб касб-хунаро коллежлари, тиббий марказ ва бошқа иншоот қурилишида кенг фойдаланилмоқда. Корхонага мармар блоклари «Зармармар» шўъба корхонаси етказиб берапти. Ҳозгон қондан олинган харсангтошлардан тайёрланаётган плиталар ҳам рақобатбардош ва чидамлилиги билан ахтариб туради.

Айни вақтда корхонада чиқитсиз технология жорий этилмоқда. Бу эса мармар чқиндилардан ҳам зарур маҳсулотлар ишлаб чиқариш имконини беради.

ЎзА.

## Оз-оз ўргатиб Домо бўлар...

● Кексалик доноликни ўргатадиган палла, ёшлик эса уни қўллайдиган пайт.

**РИВОЯТ.** Кунлардан бир кун Нўширавон соч-соқолини олдириш учун саройдаги боққа сартарошини чақиртиради. Сартарош қўлини унинг бошига қўйгач, бундай дейди: «Агар сиз, олий ҳазратим, хушрўй қизингизни менга хотинликка берсангиз, мен сизни Қайсар меҳнатидан форуғ этаман».

Нўширавон ўзича: «Бу одам ўзи нима деяпти?» деб ўйлаб, унинг сўзларига хайрон бўлди. Аммо сартарошнинг қўлидаги устарасидан кўрқиб, бирон қарши сўз айтишга юраги дов бермай: «Жоним билан, фақат сочинми олиб қўйганингдан кейин», деди.

Нўширавон сартарош сочини олиб бўлиб кетгандан сўнг кекса маслаҳатгўйи Бузуржмехрни чақириб, унга бўлган воқеани айтиб берди. Бузуржмехр сартарошни олиб келишларини буюрди ва ундан сўради: «Сен олий ҳазратнинг сочини олаётганда нима дединг?»

У жавоб берди: «Ҳеч нима». Шунда Бузуржмехр сартарош турган ерни кавлаб кўришни буюрди. У ердан беҳисоб бойлик топишди. Бузуржмехр дейди: «Олий ҳазратим, сартарош айтган сўзларини унинг ўзи айтмаган. У гапни ушбу ҳазина айтган, чунки унинг қўли сизнинг бошингиз тепасида, оёғи ганжина устида бўлган». Араблар айтмоқчи: «Кимки ўз оёғи остида ҳазина курса, у ўз ҳадидадан ортиқ нарсани сўрайди».

Қиссадан ҳисса шуки, қари билганини пари билмас деган нақл жуда тўғри айтилган.

### БАЙТ:

Ёшлик қувватни

кексанинг ақли —  
Галаба гарови, бу халқнинг  
нақли.

● Ҳаракат ва интилишсиз, фидойилик ва меҳнатсиз ҳеч нарсага эришиб бўлмайди.

● Илмнинг ибтидоси — ақл, ақлнинг ибтидоси — сабр-тоқат.

● Фақат билмоқлик учун эмас, балки бирор ишни эғлай билиш учун ҳам билмоқ зарур.

● Улуғ ишлар чидам ва матонат туфайли амалга ошади.

● Биттагина хайрли иш бир олам илмдан афзал.

● Агар сиз билимдон бўлсангиз, ўзгаларга ҳам уни ўргатинг. Сиздаги нурдан улар ҳам ўз шамчиқларини ёндириб олишсин.

**РИВОЯТ.** Эронда бир подшо бўлиб, унинг шундай одати бор экан. У жанг қилганда, яхши ташкил этилган ва яхши таъминланган қора либосли алоҳида бир қисм сипоҳлари бўлар экан. Жанг қизган пайтда ўша сипоҳларига олдинга чиқиб, жанг қилишни буюрар экан. Шундай бўлибдики, ёғи томондан эрлик мингга яқин катта қўшни келиб, уруш хавфи тугилибди.

Подшоҳ ўз дилига хуш келган хос одамлар билан мағрур ўтирарди. У жангни бошқа кунга қўришни ихтиёр қилибди. Қаламдон ва қаламни талаб қилиб, бир парча қоғозга: «Айтинг, қора либосли сипоҳлар қайтсинлар», деб ёзиб уни вазирга берди. Вазир ўқиб чиқибди, лекин бу гап унга ёқмабди. У ўзининг саҳтён этганининг кўнжидан қаламдонни олиб, сийаҳ сузининг остига бир нуқта қўйиб, уни сипоҳдорон қилибди, сўнгра гарданд сўзига битта нун қўшиб, уни «нагарданд» қилибди ва у ўз қўшинига юборибди. Улар мактубни ўқиб чиққач, олға юриб душман сипоҳларига шикаст етказибдилар. Шу боис учун «Сийар ул-мулк»да бир нуқта билан 50 минг қилч тормор қилиб ёзилган. Шундай қилиниб, қудратли душмандан ақл-заковати голлиблик қилган экан.

### БАЙТ:

Бахшлашганда сен доимо  
эзмалардан нари қоч,  
Ҳамманинг тили бурро,  
ақлчи — оз одамда.

Бугунги кунда мамлакатимизда ҳам нафақат иқтисодийтимизга зарар етказиб, балки инсон саломатлигига хавф туғдирувчи сифатсиз маҳсулотларнинг истеъмол бозорига кириб келмаслигининг олдини олиш мақсадида кескин чора-тадбирлар олиб борилмоқда. Ўтган 2002 йил давомида назорат органлари томонидан 620 тонна ноқонуний товарларнинг республика-миз ҳудудида айланиши тўхтатилган. 2001 йилда ушбу кўрсаткич 181 тоннани ташкил қилганди.

Давлатимиз иқтисодий қонунбузарликларнинг олдини олиш, пул маблағларининг ноқонуний муомалада бўлишини аниқлаш борасида Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси томонидан ҳам кенг қўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бошқарма ходимлари томонидан кейинги пайтларда 24 миллиард сўмга яқин пул маблағларининг ноқонуний айланиши ҳамда ушбу йўналишдаги 452 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланган.

Қуйидаги келтирилган фактлар бўйича шуни айтиб ўтиш жоизки, амалга оширилаётган кескин назорат ва жазо чоралари қўлланилишига қарамастан, божхона текширувидан қочиб, турли йўллар билан республика-миз ҳудудида мувофиқлик сертификати ва сифатига кафолати бўлмаган маҳсулотлар хануз кириб келмоқда. Аслида бундай товарлар ички бозорда турғужи равишда алгартирилиб, кейинчалик кичик ҳажмда савдо шохобчалари ёки бошқа йўл билан қўнғилган, ишонувчан истеъмолчига етиб келади.

Айнан шундай истеъмолчиларни назарда тутиб ҳамда ўз шахсий манфаатини унутмаган ҳолда фуқаролар У. Холматов ва А. Масуров тегишли ҳужжатлари бўлмаган маҳсулотларни сотиб келганлар. Улар илгари ишлатилган акциз маркаларни хорижда ишлаб чиқарилган тамаки маҳсулотларига ёпиштириб савдога чиқарган. Ушбу қонунга хилоф ишларини тадбиркор оғайнилар ижарага олинган «Фахмиддин» хусусий фирмасига қарашли «Жаҳонгир» савдо шохобчасининг омборхоналарида амалга оширилган. Мазкур объект бошқарманинг Чилонзор тумани бўлими ходимлари томонидан текширилганда омборхонада 13 миллион 162,4 минг сўмга тенг 32906 қути ҳар хил турдаги акциз маркаси бўлмаган тамаки маҳсулотлари, бошқа иккиламчи

хоналарда 968,4 минг сўм қийматидаги 2421 қути республика-мизда ишлаб чиқарилаётган тамаки маҳсулотлари учун мўлжалланган акциз маркаси елимланган хорижий тамаки маҳсулотлари ва 15 минг донадан кўпроқ Ўзбекистонда жорий этилган, илгари фойдаланилган эски акциз маркалари борлиги аниқланган ва далилий ашё сифатида олинган. Шунингдек, тамаки маҳсулотлари билан савдо қилиш ҳуқуқини берувчи У. Холматовга тегишли гувоҳноманинг амал қилиш муддати 2002 йилнинг март ойида ўтиб кетганини ҳисобга олиб, дўкон ва омборхонадаги сотиш учун сақланаётган 78120 қути акциз маркали сигареталар ҳам мусодара қилинди.

Хусусий тадбиркор М. Колень-

лар ўтказилиши пайтида кўп ҳолларда сотилган маҳсулот учун олинган катта миқдордаги маблағлар назорат касса аппаратидан ўтказилмаслиги ойдinлашди. Бундан кўзланган мақсад албатта тушунарли. Айрим тадбиркорлар товар айланмасининг тўлиқ ҳажмини яшириб, солиқ тўловларини қисқартриш мақсадида қонунни четлаб ўтишни маъқул кўрадилар. 3. Ориповга ўхшаб йўл тутган тадбиркорлар эса олдинга оз-оздан енгил мўмай пул топиб, пировардида катта сарф-харажатга тушиб қолишмоқда. Тадбиркор 3. Орипов 26 минг сўмни назорат касса аппаратидан ўтказиш ўрнига чўнтагига уриб, оқибатида 2 миллион 155 минг сўмини йўқотди. Қаҳрамонимиз «Чорсу» савдо марказидаги савдо шохобчаси орқали 15 турдаги умумий қиймати 2 миллион сўмдан кўп бўлган хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни республика ҳудудига олиб келинишини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларсиз савдога қўйган.

Тадбиркорлик — иқтисодийнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боисдан ҳам республика-мизда тадбиркорлик тузилмалари бемалол ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилишмоқда. Айниқса, уларнинг самарали ва барқарор ўсиши, хом ашё ва молия ресурсларидан тўлиқ фойдаланиш учун қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар ва давлат томонидан кафолатланган имтиёзлар қўлами кенг ва улар жаҳон ҳамжамияти томонидан ҳам тан олинмоқда. Бироқ, шунга қарамастан, айрим тадбиркорлар қонунларни четлаб,


енгил даромад топиш ниятида ҳақиқий тадбиркорликка хос бўлмаган сохта йўлларга кириб пировардида инқирозга учрамоқда. Шуни таъкидлаш керакки, ҳар бир тадбиркор мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига маълум бир ҳисса қўшади, инқирозга учраганлари эса нафақат ўзига, давлатга ҳам муйан бўлса-да зарар етказиши. Бундай ҳолатларга чек қўйиш замирида барқарор иқтисодий ва инсон саломатлиги нуқсон тадбиркорларимиз унутмасликка керак.

**Қиёмиддин ТОШМУРОДОВ,**  
Тошкент шаҳар прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармасининг катта инспектори.

**Ильмира ЗАЙНУДИНОВА**  
СУРАТЛАРДА: турли қинғир йўллар билан шахримизга келтирилган сифатсиз ва истеъмол учун яроқсиз маҳсулотлар.

### • ДОЛЗАРЪ МАВЗУ

## Истеъмолга яроқсиз маҳсулотларга йўл йўқ



Ҳар бир давлат иқтисодий қай даражада ривожланганидан қатъи назар ички бозорини сифатсиз, истеъмолга яроқсиз маҳсулотлардан ҳимоя қилиш борасида тегишли ишларни амалга оширади.

кога тегишли 36 миллион 772,5 минг сўмлик четдан келтирилган товарлар ҳам давлат ҳисобига мусодара қилинган. Ушбу товарлар божхона ҳужжатларисиз ва мувофиқлик сертификатисиз Миробод туманидаги «Жасмин» дўконига сотилаётганида олиб қўйилган.

Ноқонуний тарзда республика-миз ҳудудида олиб қилинган 95 миллион сўмлик турли товарлар Чилонзор тумани, Турсунхўжаева кўчаси, 7-уйда савдога чиқариш олдида ушлаб қолинди. Хонадон эгаси тадбиркорлар молларини сақлаб бериш хизматини кўрсатиб келган ва текширув ўтказилганда унинг уйда хорижда ишлаб чиқарилган, лекин сифатини белгилловчи сертификати бўлмаган 14 хусусий тадбиркорга тегишли товарлар борлиги аниқланган. Улар давлат фойдасига мусодара қилиниб, қонунбузарларга нисбатан туман суди томонидан жазо солинди.

Савдо нуқталарида текширув-

• МУСОҲАБА

«Машхура»га германияликлар ҳам қизиқиб қолишди

Аёллар жамият тараққиётида ҳамisha фаол ва ўзига хос ўрин тутиб келганлар. Мустақиллигимиз туфайли тадбиркорликка кенг йўл очилгандан сўнг аёлларнинг фаоллиги янада ошди. Бугунги кунда «Машхура» фирмасининг номи билмаган, эшитмаган кимса топилмас керак. Фирма мустақиллигимизнинг илк нишониси сифатида фаолият юргизиби, халқимиз меҳр-мухаббатига сазовор бўлмоқда. Кейинги йилларда фирманинг фаолияти ва нуфузи янада ошди. Мана бир неча йилдирки ушбу хунар масканида минглаб аёллар ва қизлар касб-хунар эгаллаб ҳаётда ўз ўринларини топишмоқда. «Машхура» фирмасининг оқила ва доно раҳбари Машхура ЮСУПОВА билан мулоқотимиз мавзуси ҳам бугунги ўзбек аёли ва унинг жамиятдаги ўрни ҳақида бўлди.



«Хунарлининг қўли гул» деган ажойиб нақл бор. Бу бежиз эмас, албатта. Агар бу ердан хунар ўрганган қизлар ё аёллар ўз оиласига, жамиятга нафи тегиб, «Барака топсин, қўли дард кўрмасин» деган олқиш олса, бу бизга ҳам тегишли деб ўйлайман ва олиб бораётган ишларимиз бесамар келмаётганлигига ишонч ҳосил қиламан.

Хар йили курсларимизда ўқиб, хунар ўрганиш мақсадида кўплаб ёшлар келишади. Эндигида нафақат қизлар, балки йигитлар ҳам келиб, костюм-шим тикши, сартарошлик, компьютерда бухгалтерлик сингари хунарларни эгаллаш ниятидалар. Фирманинг ўқув курсларида 2 ёки 3 йил тахсил олган ёшларга диплом берилади.

Шуни ҳам айтиб ўтиш керак. Фирма қошида «Мо-



далар уйи» ташкил қилинган. Ҳозирги кунда «Машхура» фирмасида тахсил олган ўқувчилар ўз билимларига таянган ҳолда бир неча ўнлаб гўзаллик салонлари, мода уйлари, ижара либослар уйлари ва бошқа турдаги тадбиркорлик корхоналарига эса солганлар. Бундай корхоналар шаҳримизда ва вилоят, туман марказларида йил сайин ортиб бормоқда. Қувонарли ютуқларимиздан яна бири ўқув курсларимизда хунар ўрганишни истаётган талабдор ёшлар ортиб бораётгани сабабли республикамиз вилоятларида — Наманган, Андижон, Фарғона, Ғиждувонда фирманинг филиаллари очилиб, ҳозир уларда ҳам ўқувчилар сони йилдан йилга кўпайиб бормоқда.

«Машхура» фирмасининг доврғи нафақат республикамизда, балки чет давлатларга етиб, германиялик ишбилармонлар қизиқиб қолишган деб эшитганмиз... — Тўғри, бугунги кунда фирмамизга хориқликлар ҳам қизиқиб қолишган. Мана икки йилдирки Германиядан меҳмонлар, яъни ишбилармонлар фирмага келиб бизнинг услубимизга қизиқиб, ҳамкорлик қилишмоқда. Ҳамкорлик йўлга қўйилиб, 2 йилдан буён фирмамиз ўқувчилари Германияга бориб ўз малакаларини ошириб қайтмоқдалар. Германияда бундай ўқув курслари 2 йил бўлиб, дарслар асосан компьютер орқали амалга оширилар экан. Бизда эса курсларимизда ўз касбининг усталари бўлган малакали ўқитувчилар дарс ўтадилар. Бу ҳам албатта муваффақиятларимиз гарови десам адашмайман.

— Машхураҳон, келгусидаги режаларингиз хусусида ҳам айтиб ўтсангиз...

— Келгусидаги режаларим албатта улкан. Бу йилдан Жиззах ва Қўқонда ҳам ўз филиалларимизни очиб, шунингдек фирмада яна янги ўқув курслари, яъни компьютерда моделлаштириш ва талабларга мувофиқ автомобиль ҳайдовчилиқ ўқув курсларини ташкил этмоқчимиз. Бундан ташқари Наврўз байрами арафасида вилоятлардаги мавжуд филиаллар ўртасида миллий либослар мавзуида кўрик-танлов ўтказиш ниятидамиз. Албатта эзу ва хайри ишлар йўлида мақсад ва режаларимизга эришамиз деб ўйлайман.

— Мазмуни суҳбатингиз учун ташаккур. Дилором ИКРОМОВА суҳбатлашди СУРАТЛАРДА: «Машхура» фирмаси фаолиятидан лавҳалар.

Сергей Любич олган суратлар.

• МАҲАЛЛА ЖОНКУЯРЛАРИ

Ибратли йўл

Оилани ҳам, жамиятни ҳам бирлаштириб унга файз, барака киритадиган, хонадонларимизни меҳр-мухаббат, нафосат, эзгулик нури билан мунавар қиладиган зотлар бу мушфиқ ва меҳрибон оналаримиз, мунис опа-сингилларимиздир.

Бугунги мўъжаз мақоламиз қаҳрамони элу юрт дарди билан ёниб, елиб югуриб хизмат қилган мўътабар онахонимиз, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ходими, «Шухрат» медали соҳибаси Одила опа Умархўжаевадир. Республикаимизда маҳалла оксоқоли сифатида фаолият юритаётган аёллар ўнчалик кўп эмас, онахонимиз эса 37 йилдан бери «Шарқ юлдузи» маҳалласини бошқариб келаётган одил ва оқила сарбон. Унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида «Шарқ юлдузи» маҳалласи обод ва файзли

гўшага айланди. Текис ва равон кўчалар, маҳалла гузары, чойхона, клуб, бир қанча маданий-маиший бинолар барпо этилди. Одила опа маҳалланинг озодлигига, фуқароларнинг тинч-тотув ҳаёт кечиршигига ўзини жавобгар шахс деб билгани учун ҳам маҳалла аҳли аҳил ва фароҳан яшамоқда.

Обод маҳалла йили мунисобати билан бу ерда талафот ва зарари тузилган. Асосини, ёш авлодни барқамол, етук қилиб тарбиялашда бир болага «Этти қўшни ота-она» тамойилига амал қилинмоқда.

75 ёшни қаршилаётган нуруний онахон маҳалла хотин-қизларининг доно маслаҳатгўйи, сирдош дугонаси, оқила ва зукко мураббийсидир.

Жорий йилнинг бошида Одила ая маҳалла хотин-қизларини йнгиб «Маҳаллада аёлнинг роли» мавзусида давра суҳбати ўтказди. Унда аёллар ва ёшларнинг маҳалла ҳаётидаги ўрни ва макеини янада юксалтириш борасида қизгин суҳбатлар, фикр алмашишлар бўлди.

Одила опа ёшларнинг фойдали иш билан шуғулланишларини таъминлаш, тўй-маъракаларни батартиб, камхарж ўтказишда хотин-қизлар билан ишлаш комиссияси фаолиятини кучайтириш ва маҳалланинг янада обод қилиниши йўлида самарали меҳнат қилинмоқда.

Обод маҳалла гоёси халқимизнинг дилида етилган, фикр ўйида пишган ҳаётий иродасининг одилона рўёси бўлди, —

Гулчехра ДҲРДИЕВА

Advertisement for 'Aёл борки, олам мунаввар' (When the flower blooms, the world brightens). It features a woman's face and the text 'ҲАЁТ БОҒИНИНГ ГҲЛЛАРИ' (The flowers of life). Below it says 'Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитасининг саҳифаси' (Page of the Women's Committee of Tashkent).

— Яқиндагина телевизорда «Кирқ тоғоранинг кирқ ногораси»ни кўрсатишган эди. Яна биттангиз хотин оши ҳақида, бошқангиз қовурдоқ ҳақида ёзибсизлар. Бу бошқа гап қолмадими дейман ёзишга?

Одатдаги йнгиинлардан бирида давраларда катта-катта гапириб юрадиган бир қўшни аёл менга ана шундай эътироз билдириб қолди.

Мен нима учун шу мавзу айнан шу кунда долзарб эканлигини тушуниргандай, аёл ҳам тушунгадай бўлди. Аммо бу мавзу битта тушунтириш билан низоҳланганидан эмас. Чунки худди шу аёлдай ўйлаётганлар битта эмас. Бутун борлиги билан орзу-ҳаваслар, урф-одатлар доирасида ўралашиб яшаётганлар ҳам бор.

Улар учун ҳаёт, фарзандни дунёга келтириш — қовурдоғи, бешғичи, суннати, қолаверса, фарз тўйларини ўтказиш, қудандачиликни жойига қўйиш, эл-юрт олдида сарпо-сурук, тугунтерсақ, дастурхон учун хижолат бўлмаслик... Тўғри, бу ниятда ҳам, бу хатти-ҳаракатларда ҳам эзгулик чизгилари, орзу-ҳавас, бурч бор. Аммо орзу-ҳавас мажбурият ҳолатига ўтганда, зўриқиш пайдо бўлади. Ҳар қандай зўриқилишнинг эгасига ҳам, атрофдагиларга ҳам фойдадан зарари кўпроқ.

Биттагина ҳайит билан боғлиқ «можаро»ларни олайлик. Ҳайит — аввало байрам. Бу яхши кун билан боғлиқ қанча яхши одатлар бор. Арафадан аввал уйлар, ҳовлилар тозаланади, кир ювилади. Арафада кўни-кўшни ўзи ўйида пиширган таомлардан бир-бировиغا насиба илинади. Ҳайит кунини ёши улуғлар йўқланади, беморлар, кўнгли яримлардан кўнгил сўралади. Кичкинтойларга ҳайитликлар ҳада этилади.

Буларнинг ҳаммаси — чиройли. Ҳамшаҳарларимизнинг янги келинчаги бор уйларда дастурхон безаб, меҳмон кутуш, келган таниш-нотанишларни салом билан кутиб олишининг ҳам ўзига хос зийнати, ибрати бор.

Келин кўргани кирган қизлар уй, дастурхон безаш, келинчақ либосларини кузатадилар. Нималарнингдир эътироф этиб, нималарнингдир рад этадилар. Бу ҳам ўзига хос бир мактаб. Аммо, боя таъкидлаганимдай, ҳайит салом ҳам, азадор хонадонда марҳумларни ёдлаш учун келганларга дастурхон ёзиш ҳам мажбуриятга айланмаслиги керак.

Яқин ўн-ўн икки йиллар атрофида келинчақнинг битта уйига дастурхон безатиларди. «Фалончи қизига ўн иккита тоғора юборибди», дейишса, кўпни кўрган қайғовилар лаб тилишаб, чўш чайқаб:

— Оширворибди, элдан чўқмаслик керак, — деб қўйишарди. 5-6 йил ичида аввал 20-30, сўнг 40-50, ҳатто 70-80 тоғора-

гача, «культурний» меҳмонлар учун яна бошқа хонага стол, келиб-кетадиган гурас-гурас қизалоқлар учун йўлакка яна бир стол...

Азадор уйларда ҳам эркаклар учун алоҳида, хотинлар учун алоҳида жой. Столга қўйиладиган ноз-неъматлар ҳам ҳаётий тартибга кўра тайёрланади. Келинчақ столида уч-тўрт хил чакчак, уч ёки тўрт қаватли торт, ҳўл мева (банангача бўлиши шарт), қуруқ мева (Россия шоколадига), азадор дастурхониде эса талқон, юпқа, бўғирсоқ, қуш тили...

Аммо ҳайит дастурхонига тайёргарлик кўраётганлар хилватда «оҳ», «ух» қилсаям, қарз кўтарсаям, кўпчилик орасида мутлақо билдирмайди. Ўзини бурчини бажараётгандек тутади.

Ҳолбуки, ҳайит ўтгач, хўш, шунча сарф-харажат, югуриб-елишларга эвазига нима топдинг, деган савол қўйилса... бунга келадиган жавобнинг мутлақо салмоғи йўқ.

Ўтган марҳум балки ўзи иш жойи, маҳалласида ибратли ишлар қилгандир, балки унинг хотирасини абдийлаштириш, бу ҳақда бошқаларга сабоқ бўларли бир нарса ёзиш, чоп эттириш, ҳужжатли кинолар қилиш зарурдир...

Эҳтимол, унинг сағирлари бордир, уларни ўқитиш, хунароли қилиш зарурияти бордир? Еки янги келинчақнинг ёхуд кўёвнинг ўқиши учун маблағ кел-

рақдир, балки бирон-бир улов олмоқчидир? Агар имконимиз бўлса, ана шундай каттароқ мақсадлар учун сарф қилсақ бўлмайдими маблағимизни?

... Бу каби саволлар Президентимиз Обод маҳалла йили дея ажойиб сифат берган 2003 йилда яна ҳам ўзгача моҳият касб этаётди. Аввал уч-тўрт одам йнгилган даврада ўзаро гапирадиган бу гаплар банд минбарлардан айналмоқда. Ва бу гапларга «Ҳа, айтилди-қўйди-да» тарзида мунисобат бўлаётгани йўқ. Рамазон ҳайити — катта ҳайитда маҳалла хотин-қизлар комиссиялари бу масалага жиддий эътибор бердилар.

— Ҳа, 8 та тоғора юборсаям бўларкан-у, қудамдан айланай, «Ирим-сиримини қилсангиз бас».

— Жондан айрилганимиз етмагандай... энди ҳайитиям... деб ташвишда эдик. Маҳалла аралашиб, осон кўчди.

Бу хилдаги гап-сўзлар тўй-тўйчиқ, турли маросим, маъракаларни мазмуни, ихчам ўтказиш борасидаги тадбирлар кўпчиликнинг дилидаги гап эканини далиллайди.

Биз тўйлар-маросимларда тез жипслашадиган халқмиз. Худди шу тарзда мароифат, зиё, юксак мақсадлар атрофида бирлашсақ, бу хилдаги тоши энгил орзу-ҳаваслар ўз-ўзидан йўлларда қолиб кетади.

Қутлибека РАХИМБОВЕВА

• ИСТИҚЛОЛ ГҲНЧАЛАРИ

Орзулари ойдин қиз

Мамлакатимизда мана бир неча йилдирки севишли шоирани Зулфия номидаги Давлат муқофотига номзодлар сараланиб, улар орасидан хар томонлама иқтидорли, билимли, ўткир эҳқили, шунингдек, ахлоқли қизлар танланиб, ушбу муқофотга тавсия қилинмоқда. Ўтган йили адабиёт, санъат, фан, таълим ва маданият каби бешта йўналиш бўйича ўз иқтидорларини, салоҳиятларини намойн этган истиклол гулгунчалари орасида маданият йўналиши бўйича Малика Раҳмонбекова ҳам Зулфия номидаги Давлат муқофотига номзодлар орасидан ўрин олди.

Энг қувонарлиси орзулари сари интилиб, изланиб яшаётган истеъдодли, иқтидорли ёшларимиз сафи йилдан йилга ошиб бормоқда. Мустақиллик медалари бўлиши бундай умидли, келажаги порлоқ ёшларимиз билан хар қанча фахрлансак арзийди.

Малика Раҳмонбекова ҳам ана шундай изланувчан, интилувчан ёшлардан. Унинг қалбида ёшлигидан тил ўрганишга, бора-бора кўпайиб кетган кўп қизларга бунисининг ўғити ва ёрдмлари билан ижод намуналари секин-аста газета ва журналларда чоп этила бошлади. Малика ёзган эртак ва ҳикоялари мактаб дарсликларига киритилганини, алоҳида тўппам чикаришни орзу қилиб яшарди. У ўз ижодида Ватанга му-



«Алифбе» ва ўқиш китобларида «Қорқарча», «Оқ булут ҳақида эртак ва ҳикоялар чоп этилган. Булардан ташқари «Тоғ юлдузи» газетасида ҳам кўплаб эртаклари ёритилмоқда.

Мақтабини аёло баҳолар билан тамомлаган Малика тилга қизиқиши ниятда банд бўлгани сабабли ўтган йили Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университетининг роман-герман тиллари фа-

культети француз филологияси бўлимига ўқишга кирди. Айни кунларда эса Республика ўқувчилар саройида француз тили тўғрагида ўқувчиларга француз тилидан сабоқ бермоқда.

— Келгусида орзуларим улкан, — дейди Малика Раҳмонбекова. — Аввало ижод қилишдан тўхтамаслик, ёзган эртак ва ҳикояларимни француз тилига таржима қилиш. Биз ёшларга кўрсатилаётган барча имкониятлардан фойдаланиб, мустақил Она-Ватанимизга муносиб фарзанд бўлиб етишиб, юртимиз доврғини жаҳонга танитиш. Бугунги кунда шундай таниқли буюк шоиранинг издошлари қаторидан жой олиш бахтига мувоассар бўлганимдан бахтиёрман.

Малика эртак ва ҳикоялар ёзиш, тил ўрганишдан ташқари расмлар чизишга жуда ихлоси банд. 1995 йилда Мустақиллик байрами арафасида ўзининг «Ўзбекистон — Ватаним меним» мавзусида чизган ранг-баранг расмларини Ўртбошимизга йўллаб миннатдорлик жавоб мактубларини олган. Шунингдек, 1996 йилда Буюк Ипак йўли мавзусидаги чизган расмлари кўргазмаларда муносиб баҳоланган, Улуғбек жамоғаримнинг I ва II даражали дипломи билан тақдирланган. Қалбида ёшлик, жўшқинлик, гайрат, шижоат билан орзулари сари парвоз қилаётган оловкалб ёшлар қаторида Малика Раҳмонбекова ҳам келгусида барча ниятларига етишига тиллақдошимиз.

Гулнора ҲАМИДОВА

Аёллар учун 10 насиҳат

Аёл. Унинг ҳақида қанчалаб таърифлар айтилмади. Уни қанчалар улуғланмади, дейсиз. Ҳа, аёлини қанча таъриф этсак-да, оз. Аёлсиз оила — гули йўқ боққа ўхшайди.

Шу билан бирга аёл ўзида мужассам этган сифатлари ила шундайин мураккабки, гўёки бу ажиб дунёни ўзгартири олмаганимиздек, аёлнинг табиатан берилган қайсарлигини энгилш ҳам хар қандай эркакнинг қўлидан келавермайди.

Балки шунинг ўчундир юз йиллар олдин аёлларга берилган насиҳатлар ҳозир ҳам ўз кучини йўқотмаган. Гўёки улар кечагина битилгандек. Мени шундай фикрга келишга ундаган нарса — Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви кутубхонасида сақланаётган қадимий газеталардан бирининг 1896 йил 27 октябр сони саҳифаларида битилган «Еш аёлларга насиҳатлар» номли мақола бўлди. Бу мақолада оиланинг мустаҳкам бўлиши учун аёл кишига ўнта насиҳат берилади. Орадан қарий бир асрлик вақт ўтган бўлса-да, ушбу насиҳатларга амал қилган ҳозирги замон аёли ҳам оила тинчлиги ва тотувлиги пойдеворини янада мустаҳкамлаган бўлади. Булар қуйидагилар:

1. Турмуш ўртоғин билан бўладиган биринчи жанжалдан сақлан. Агар у рўй берудек бўлса, бу жангда унинг ютиб чиқуши учун шароит ярат. Зеро, у ўзининг гоилибганини яхшигина ҳис этиб, бундан фахрлансин.

2. Ўзининг фаришга эмас, оддий бир инсонга турмушга чиққанлигини доимо ёдда тут. Шундагина унинг нуқсонлари-ю камчиликларидан ажабланмайсан.

3. Пул сўраб унинг жонига тегма. У белгилаб берган пулдан ошик харажат қилмасликка интил.

4. Турмуш ўртоғинга юракнинг бўлмаслиғи мумкин эмас. Агар борди-ю шундай бўлган тақдирда,

жуда бўлмаганда унда ошқозон аталмиш бир аъзо борки, у билан маълум маънода дўстлашиб олишга ҳаракат қил. Зеро, «Эркакнинг кўнглига йўл — унинг ошқозони орқалидир», деб бежиз айтилмади.

5. Вақти-вақти билан оилада охириги сўзини эринг айтишига қўйиб бер. Бу унга хузур бағишлайди, сен эса бундан ҳеч нарса ютказмайсан.

6. Газеталардан фақатгина энгил-елпи эълонларни эмас, балки эрингни қизиқтирадиган, у билан бемалол тахлил эта олишигга ёрдм берадиган мақолаларни ҳам ўқишга ҳаракат қил.

7. У билан муомалада доим мулоим бўл. Сен уни умр йўлдоши сифатида танлаган кўннинг эса оил. Ушунда сен унинг сиймосида хар томонлама етук инсонни кўрган эдинг-ку. Энди нега ундан нолийсан.

8. У ўзини сендан-да ақлироқ деб ҳис этишига қўйиб бер. Бу унинг кўнглига таскин беради.

9. Агар у ақли бўлса, у билан ҳақиқий маънода ўртоқ бўлгин. Агар аҳмоқ бўлса уни ўзинг билан тенглаштиришга интил.

10. Унинг ота-онасини иззат-ҳурмат қил. Айниқса, уни сендан олдин сева бошлаган — онасини. Ҳа, ушбу насиҳатда айнан аёлларимизнинг оилада ўз ўрини топа олиши, ҳурмат-иззатга лойиқ бўлиши, турмуш ўртоғига муносибати қандай бўлиши кераклиғи ҳақида ҳақоний фикрлар баён этилган. Бу ўн насиҳатга амал қилган азиз аёлларимиз ўз оилаларининг мустаҳкам бўлишига, оилада комил фарзандлар тарбиялашга қодир бўладилар, деб ўйлаймиз.

Лола ОРИФЖОНОВА

• СЎРАГАН ЭДИНГИЗ... Тиббий кўрикдан мақсад нима?

— Ҳурматли тахририят ходимлари, мен яқинда ўзим билган ва ёқтирган йнги билан турмуш қурмоқчиман. Тўйдан олдин тиббий кўрикдан ўтиш шартми? Бундан кўзада тутилган мақсад нима? Шу ҳақда маълумот беришингизни сўраймиз.

Н. Шукурова, талаба.

— Оила қуриш учун илк қадам фуқаролик ҳолати далолатномасини кайд этиш (ФХД) органларига ариза беришдан бошланади. Оила кодексиде ҳам никоҳланувчи шахсларнинг розилиғи билан тиббий кўрикдан ўтиш кўрсатилади. Ҳўш тиббий кўрикдан нима учун ўтиш керак? Буни хар бир йнги-қиз билиши зарур. Яъни:

Никоҳланувчиларнинг ўз соғлиқлари ҳақида аниқ маълумотга эга бўлишлари; фарзанд кўриш учун лаёқатли эканликларини тушуниб етишларини; туғилажак фарзандлар ирсий ва жисмоний нуқсонлардан холи бўлишларини; агар йнги ва қизда бўлажак ҳаёт учун хавф солувчи касалликлар аниқланса, никоҳдан олдин уларни доволаш ва бу дардлардан фориг бўлиш имкониятларини яратиш; никоҳдан кейин содир бўлиши

мумкин бўлган ҳолатлар (бепоштлиқ ингирон боланинг дунёга келиши сингарининг олдини олиш.

Тиббий кўрик ФХД органлари йўлланмасига кўра туман, шаҳар поликлиникалари, аёллар маслаҳатхоналари ва соғлиқни сақлаш тизимининг бошқа муассасаларида белуу амалга оширилади. Тиббий кўрикдан ўтиш натижалари шифокор томонидан сир сақланади.

Тиббий кўрик фақат йнги ва қизнинг эмас, балки келгусида қурилажак оиланинг ҳам соғломлигини аниқлаш имконини берувчи бирдан бир йўлдир. Шундай экан, бу имкондан фойдаланиш ўта муҳим эканини унутманг.

**«050»: кутқарув  
хизмати хабарлари**

## Боламни кутқаришда ёрдам беринглр...

Кутқарувчилар Юнусободдан ўз ишларини битириб бошқармага қайтишгаётганда Мирзо Улугбек туманидан бир ёшли бола уйда қамалиб қолганлиги тўғрисида хабар олишди. Айтилган манзилда, яъни Қорасув даҳаси, Ф. Йўлдош кўчаси, 39-уй, 4-қават, 8-хонадонда ҳақиқатдан ҳам онасининг эътиборсизлиги оқибатида бир ёшли бола уй ичида қамалиб қолган. Энди кутқарувчилар болага қандай ёрдам бериш тўғрисида режа тузишди. Бу гал ҳам уйга киришнинг бир йўли айвон (балкон) орқали, яъни кўшнининг айвонига нарвон ўрнатиб дераза орқали уйга кириш, бундан бошқа илож йўқ эди. Бу режа ҳам аъло даражада амалга оширилди, болани соғ-саломат онасига топширишди.

## Эшиклар очилди

Юнусобод тумани, 4-даҳа, 19-уй, 44-хонадонда яшовчи фуқаро Лола Пўлатова «050»-Кутқарув хизматида кўнгирак қилиб уй эшиги ёпилиб қолганлиги ҳақида хабар берди. Манзилга етиб келган кутқарувчилар шароитни ўрганишиб эшик қандай ёпилиб қолганлигини аниқлашди.

Маълум бўлишича, уй соҳибаси зарурат туфайли кўшниникига чиқади, унинг ортидан эса ити уй эшигини ёпиб қўяди. Кутқарувчилар эшикни очишга анча уринишди, бироқ ҳаммаси бефойда кетди. Шундан сўнг уйга киришнинг бир йўли томдан арқонда тушиб, дераза орқали кириш қолади. Бу ишни ўз соҳасининг устаси бўлган Дилшод Базарбаев ҳамда Зиёвуддин Исомиловлар амалга оширишди. Дераза орқали кириб келган номаълум кишиларни «уй соҳибси» қаршиликсиз яхши кутиб олди ва эшикни очишда ўзи ҳам кўмаклашгандай бўлди.

Мана азиз ҳамшаҳарлар, ўкиб, эшитиб, ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек ҳар қандай ишни, болаларни, қолаверса жониворларни ҳам эътиборсиз қолдириб бўлмайдми. Ҳар қандай хавотирли ишлар ҳам, турли кўнгилисизликлар ҳам эътиборсизлик оқибатида вужудга келишини асло УНУТМАНГ!!!

**Ўткир САИДОВ,  
Мухиддин ИСОҚОВ,  
Тошкент шаҳар Фавкулда вазиятлар бошқармаси матбуот хизмати ходимлари.**

Ҳиндистон Республикаси Инсон имкониятларини ривожлантириш, фан ва технология вазирлигининг таклифига биноан, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазири С.Фуломов бошчилигидаги мамлакатимиз делегацияси Ҳиндистонда бўлди.

Ушбу ташриф икки мамлакат ўртасида таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган учрашув ва музокараларга жуда бой бўлди.

Мамлакатимиз делегацияси аъзоларининг Ҳиндистон Инсон имкониятларини ривожлантириш, фан ва технология вазири профессор Мурли Манохар Жоши билан бўлиб ўтган музокарада икки дўст мамлакат университетлари

ўртасида, хусусан, ахборот технологиялари ҳамда масофадан туриб ўқитиш соҳасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш масалаларига асосий эътибор қаратилди. Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон томони бу борадаги ўзаро алоқалар сифатини бугунги кун талаблари даражасига олиб чиқишга тайёр эканини маълум қилди. Келгусида ахборот технологиялари соҳасида магистрлик дастури бўйича ўзбек талабаларининг Ҳиндистонда таълим олиши, Ўзбекистон университетларининг профессор-ўқитувчилари ва мутахассислари учун қисқа муддатли курсларни ташкил этиш, мамлакатимизда ҳинд мутахассисларининг амалий машғулоти ва маърузаларини уюштириш, Тошкентда Ахборот технологиялари бўйича Ўзбекистон — Ҳиндистон марказини ташкил этиш ҳамда Ҳиндистон томонидан мамлакатимизга ахборот технологияларини ривожлантириш учун грант ажратилиши сингари масалалар музокараларнинг асосий мавзуси бўлди.

Шунингдек, профессор-ўқитувчилар таркиби, талаба ва аспирантларнинг ўзаро доимий алмашувлари дастурини яратиш асосида университетлар ва бошқа ўқув муассасалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш ҳамда қўшма тадқиқот ишларини олиб бориш сингари масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Ўзбекистон делегациясининг Ҳиндистон Ахборот технологиялари Давлат вазири С.Пасван билан бўлиб ўтган музокараларда таълим тизимида ҳинд мутахассисларининг иштироки билан ахборот технологиялари ва Интернет тармоғини ривожлантириш, мамлакатимизда янги очилган академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва университетларни компьютер ва дастурий маҳсулотлар билан техникавий жиҳатдан таъминлаш мақсадида грант ажратилиши, дастурий маҳсулотлар технологиясини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик маркази барпо этиш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш масалалари асосий ўринни эгаллади.

Ҳар иккала учрашувда юқорида кўзда тутилган барча йўналишлар бўйича Ҳиндистон томони ҳам ўзаро ҳамкорликка тайёр эканлигини маълум қилди.

Ушбу ташриф давомида мазкур алоқаларни ри-

вожлантиришга алоҳида аҳамият берилгани бежиз эмас. Негаки, мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида стратегик устуворликларни амалга оширишга доир амалий чора-тадбирларни таъминлашга давлат сиёсати даражасида қаралмоқда. 2002 йил 30 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг қабул қилингани фикримизнинг яққол далилидир.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари И.Ганди номидаги Миллий университет, Жавохирлал Неру номи университети, Дехли университети, Ҳиндистон Технология институту, шунингдек, Л.Б.Шастри номидаги Менежмент институту, Ҳиндистон Молия институту сингари ўқув муассасаларида ҳам бўлиб, мазкур олий ўқув юрларининг ректорлари ва профессор-ўқитувчилари билан учрашдилар. Музокаралар чоғида ҳар икки томон учун бирдек манфаатли ҳамкорлик, жумладан, академик алмашувлар дастурларини яратиш, қўшма тадқиқотлар олиб бориш ва бошқа масалалар юзасидан ўзаро фикр алмашилди. Учрашувларнинг амалий яқини ўларок, Ҳиндистон Технология институту билан Ўзбекистондаги бир неча олий ўқув юрлари (Тошкент Ахборот технологиялари университети, Самарқанд Давлат университети, Фарғона Политехника институту) ўртасида академик алоқаларни ривожлантириш кўзда тутилган ҳужжатлар имзоланди. Шунингдек, Ҳиндистон Молия институту ва Ўзбекистоннинг юқорида номи санаб ўтилган олий ўқув юрлари ўртасида иқтисодий ва менежмент соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумлар ҳам имзоланди.


Булардан ташқари, Ўзбекистон делегацияси аъзолари Ноида шаҳрида жойлашган (Уттар Прадеш штати) «TATA Consultancy Service», «Softwfre Technology Park» сингари компаниялар ҳамда Электроника ва дастурий маҳсулотлар экспортини ривожлантириш бўйича Кенгашда ҳам бўлишиб, мазкур муассасалар раҳбарлари билан ўзаро алоқаларни йўлга қўйиш, хусусан, кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш масалалари юзасидан музокаралар ўтказилди.

Шунингдек, мамлакатимиз делегацияси аъзолари Ҳиндистон пойтахтидаги Heritege School мактабида ҳам бўлишиб, мазкур билим даргоҳининг ўқув жараёнида масофадан туриб таълим бериш услуби ҳамда мактабнинг компьютерлар ва дастурий маҳсулотлар воситасида жиҳозланиши билан яқиндан танишдилар.

**Шухрат УМИРОВ,  
«Жаҳон» АА мухбири, Дехли.**

## • ДЎСТЛИК РИШТАЛАРИ

# ҲАМКОРЛИК КЎЛАМЛАРИ КЕНГАЙМОҚДА



тоннинг юқорида номи санаб ўтилган олий ўқув юрлари ўртасида иқтисодий ва менежмент соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Меморандумлар ҳам имзоланди.

## Ғаройиб олам

### Сотилмайдиган ўйинчоқлар

Япониянинг «Мацүшита денки» фирмаси сувараклар ва чигирталарнинг электрон нусхасини яратди.

Улар худди ҳақиқийдек тез югуришади ва сакрашади, мўйловларини қимирлатишади. Бу жониворларни ҳаракатга келтирувчи барча шарнирлар, дасталар, тишли ғилдираклар ва митти двигателлар микроскоп остида ясалган. Лекин бу ўйинчоқлар сотилмайди. Йирик ишлар устида шартномалар тузилаётганда уларни гугурт қутисидан олишади-да, электрон техника имкониятларини намойиш этишади ва шу билан мижоз кўнглини ром қилишади.

### Ҳайвонларни йўқолишдан асрайди

Швейцариялик мутахассислар ажойиб митти қурилма яратдилар. Бу электрон мослама ҳайвонлар учун зарарсиз бўлиб, у жонивор терисининг ичига жойлаштирилади. Унинг ҳажми гуруч донасидек бўлгани учун ҳам ҳайвонларда нуқуллайлик тудирмайди.

Қурилма ўзидан махсус кодли сигнал таратиб туради. Шу сабабли энди ҳайвон йўқола ёки ўғирланса, уни топиш осон кечади. Ҳозир бу қурилма Швейцария дўконларида 50 франкка (30 доллардан сал ортиқ) сотилмоқда.

### Гилам чангютгич

Чехиянинг Напаядиа шахрида оёқ кийимларидан чангни ўзи ушлаб қоладиган гилам поёндоз ишлаб чиқариш бошланганига ҳам анча бўлиб қолди.

Агар шу поёндоздан юрсангиз, у полимерларнинг электростатик хоссасига кўра, оёқ кийимдаги ҳамма чанглари ютади. Бу синтетик поёндоз кирга тўлиб кетса, уни ҳўл латта билан артиб ташлаш кифоя қилади.

Гилам-поёндоздан касалхоналарнинг қабул марказлари ҳамда операция залларида ва электрон асбобларни йиғадиган цех ва лабораторияларда фойдаланилмоқда. Бир сўз билан айтганда, қаерда чанг бўлиши мумкин бўлмаса, ушар ерда бу янгилик қўл келаверади.

### Йиғлаш сабабини аниқлайди

Бен Гурион номидаги дорил-фунуннинг (Исроил) мутахассислари ажойиб компьютер яратишди. У акустик восита ёрдамида чақалоқларнинг йиғлаш сабабларини аниқлайди, яъни чарчашданми, касалликданми, очликданми ёки чақалоқнинг чанқоқликдан йиғлаш сабабларини аниқлайди. Ҳатто чақалоқ қандай касалликка чалинганини ҳам «айтиб» беради.

Муқаддас УМАРБЕКОВА тайёрлаган.

## • САНЪАТ Наврўзга бағишланган қўшиқлар

Ҳар йили баҳорни орзиқиб кутамиз. Баҳор оламини ёшартириб кўнгилларга умид, хушбахтлик, оламга чирой, жозоба бахш этиб келаверади. Наврўз байрамини хушнудлик билан ўтказиш мақсадида кунни кеча Ўзбекистон Бастакорлар уюшмасида байрамга тайёргарлик юзасидан тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон маданияти ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Бастакорлар уюшмаси ҳамкорликда ўтказган тадбирда Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Рустам Абдуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Нодим Норхўжаев, Хуршида Ҳасанова, Хушнуд Назаров, Муҳаммад Отажонов ва яна бир қанча бастакорларнинг 50 га яқин қўшиқлари тингланди ва шулардан энг яхшилари саралаб олинди.

Айниқса, шоир Иброҳим Жияновнинг «Тошкентим мадҳияси» шеърига Дилором Омонуллаева басталаган қўшиқни сеvimли хонандалар Фаррух Зокиров, Насиба Абдуллаева, Мансур Тошматов маромига етказиб куй-

лашди. Севара Назархон ва «Болалар» гуруҳи ижросида зўр иштиёқ билан куйланган Аваз Мансуровнинг «Суюкли Наврўзим, кел» шеърига басталанган қўшиқ йиғилганлар томонидан муносиб баҳо олди.

Таниқли бастакорлар Баҳрулло Лутфуллаевнинг «Наврўз келди», Бахтиёр Алиевнинг «О, Наврўз», «Кел, Наврўз» композициялари ҳам юксак маҳорат билан ижро этилиб, дилларга ором бахш этди.

Куй, қўшиқ ҳаммаша инсонлар қалбини сеҳрлаб, нафис туйгуларни жунбушга келтириб, дил торларини чертиб келган. Наврўз байрамида куйланадиган қўшиқлар ҳам хушоҳанглиги билан ажралиб турса не ажаб.

Гулчеҳра ДУРДИЕВА

Шу ўринда мозийдан бир воқеани келтириб ўтмоқчиман. Мен Ўзбекистон телевидениесида «Сихат-саломатлик» тележурналининг муҳаррири бўлиб ишлаётганимда республика санитария маорифи уйининг услубийетчи-шифокори Анвар Азимов билан шахримиздаги 1-сонли шифохонага бордик. Ҳовлида бош шифокорнинг баяндоғи эшитилди. Унинг ёнида бир киши турибди. Яна бир йигит болта билан ерда оқ халатни қиймалапти.

— Ҳа, тинчликми ўзи? — дедик биз уларга қараб.

— Ҳозир тушунтираман, — деди бош шифокор биз билан саломлашиб, хол-аҳвол сўрашгач, шифохона бўлим мудирларини тўплади. Ҳовлида, унинг ёнида бўйини қисиб турган шифокорнинг оқ халат билан ҳожатхонага кирганини бош шифокор кўриб қолиб хўжалик бўлими мудирини чақириб, унинг халатини ҳовлида болта билан қиймалаётган экан.

— Оқ халат билан ҳожатхонага кирилса, у ердаги пашша халатга кўнади. Оқ халатга инфекция юқади, кейин у билан иш жойингизга палаталарга кирасиз, — деди бош шифокор, — оқ халатни фақат иш жойингизда, беморлар ёнига борганда қийсиз. Уни кир қилмасдан, вақтида ювиб, дазмоллаб қийиш керак. Ана ўшанда оқ халат сизга ярашади.

Оқ халатни бўлғуси дўхтирлар: тиббиёт институтининг талабалари, тиббиёт билим юрларининг ўқувчилари ҳам қийишади. Уларнинг шифохонада ўтадиган машғулотларга оқ халатни ораста қийиб келишлариға ҳавас қилади, киши. Бироқ, оқ халатга қаерда, қандай муносабатда бўлиняпти? Яқинда менинг қариндошим 15-шаҳар шифохонасининг кардиологика марказида даволанаётганида кўргани бордим. Коридорнинг боши-

да ўтирганлар «касални кириб кўрсангиз халат оласиз», — дейишди.

Берган халатининг кирлигидан кўнглим айниб кетди. Халатни ноилжоз кўлимда ушлаб, кириб чиқиб топшираётганимда «одамингизни кўрдингизми? Берганингизни бериб кетаверинг!» — дегани мени ажаблантирди.

Шу ўринда хизмат сафари бўйича Ангрэндаги 1-шаҳар шифохонасига борганим эсимга тушди. У ердаги бош

### • МУЛОҲАЗА

## Оқ халат кимга ярашади?

Оқ ранг яхшилик маъносини англатади. Қариялар сафарга жўнаётганларга оқ фотиҳа беришади. Бу «эсон-омон бориб келгин» дейишганидир. Ўғил уйлантиришда совчи бўлиб борган аёлларга киз томон рози бўлса оқ ўратиб юборади. (Оқ рўмол беради). Кўёв-келин гўшангага оқ кийимда киради. Шунингдек касб кийимлари ичида оқ халатни шифокорлар ва озиқ-овқат молларини сотувчи савдо ходимлари қийишади. Бундай касб эгаларининг оқ кийим қийишида, нима учун уларга оқ халат қийиш лозим топилаганида чуқур маъно бор, албатта. Тиббиёт ходимлари беморларга шифо бахш этишади, иккинчиси кишиларни таом билан таъминлайди. Ҳар иккала касб эгалари ҳам озодаликка, санитария-гиенага риоя этишлари зарур.

шифокор Иосиф Флейшмахер беморни кўргани келганларга халат беришни бекор қилибди. Унинг тушунтиришича, касал кўргани келганларга бериладиган халат инфекциянинг ўчоғи, чунки уни ҳар хил одам қийди ёки елкасига ёпинади. Бу халатни қийган, аммо касали бор одам инфекцияни юқтириши мумкин.

Оқ халатни кўнгли оқ одам қийиши керак. Лекин айрим шифохоналарда баъзи дўхтирлар беморлардан

Халқимизнинг бой ва қадимий қадриятларини, урф-одатларини ўрганиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

## Қадриятларимизни ўрганамиз

Яккасарой туман маҳаллаларида анъанавий ўтказиладиган қадриятларга бағишланган тадбир яқинда Муқимий номили маҳаллада бўлиб ўтди. «Маҳалла» хайрия жамғармасининг туман бўлими, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими кенгаши, «Маънавият ва маърифат» марказининг туман бўлими ҳамкорликда ташкил этган ушбу тадбирда Муқимий номили маҳаллада истиқомат қилувчи фахрийлар, фаоллар ва ёшлар иштирок этишди. Тадбирга ташриф буюрганлар маҳалла тарихи, унда ўтказилаётган маърифий-маънавий тадбирлар, қадриятларимизни ёшларга ўргатиш ҳақида сўзлашиб, ўзаро фикр алмашишди.

— Бундай тадбирларни ўтказишдан мақсад, — дейди «Маҳалла» хайрия жамғармаси туман бўлими раиси Рўзи Турсуналиев, — миллий урф-одатларимизни, ота-боболаримизнинг буюк ишларини, олимларимиз олиб борган тадқиқотлари натижаларида маълум бўлган тарихимизнинг янги қирраларини ёшларимиз онгига синдириш, аждодлари билан фахрланишга ўргатишдир. Умид қиламизки, аждодлари буюк бўлган ёшлар уларга муносиб ворис бўлиш мақсадида ўзларини номалбул ишлардан тиядилар, нури келажак сари интиладилар.

Эндиликда бундай тадбирни туманинг «Яккасарой» маҳалласида ўтказилиши режалаштирилган.

Азиза ИЛҲОМОВА

«совга» олишига нима дейсиз?! Тугруқхоналарда-ку ҳамширадан тортиб, дарвозабончага суякчи олишни кўп ҳолларда эсларидан чиқаришмайди. Сабзавот маҳсулотлари дўкони ёнидаги очик жойга автомат тарози ўрнатилган. Оқ халат қийган аёл пахта ёғи сотяпти. Мен йигирма кило тортиб беришни сўрадим.

— Идишингизни яқинроқ суринг, — деди мулойимлик билан сотувчи аёл, — мана бу тунука товоқ ярим кило, тошларимни кўринг, уч килодан тортаман, адашмай санаб туринг, — деди яна.

Олти марта тортиди. Уч килодан ўн саккиз кило. Еттинчисини бир килоки тошни олиб қўйиб тортиди.

— Ана, сизники бўлди, — деб пул олиш учун бармоқларини бир-бирига ишқалаган эди.

— Товоқни бўшаганида тарозиға қўйинг, қанча келганини мен ҳам кўрай, — дедим. Сотувчининг ранги ўзгариб титрай бошлади.

— Етти марта 200 граммдан бир кило тўрт юз грамм яна беришингиз керак, идишингиз етти юз экан, икки кило бир юз торсангиз тўғри бўлади, — деди ёнида навбат кутиб турган йигит. Оқ халат қийиб, ўғирлик қилгани билиниб қолган сотувчи аёл мен узатган пулни санашда қўллари титраб, икки-уч қайта янглишиб,

охир тўғри санаб олди. Мени-ку сотувчи алдай олмади. Мендан олдин шу товоқда тортиб сотганлари-чи?! Мендан кейин нима бўлди экан?!

Оқ халат қийиб, халққа хизмат кўрсатувчилар ҳар томонлама пок бўлиши лозим. Ҳа, оқ халат виждони пок, кўнгли оқ кишиларга ярашади. Сиз нима дейсиз газетхон?

Йўлдош МАНСУРОВ, журналист.

## ПРОФЕССИОНАЛ МЕНЕЖМЕНТ КУРСИ ОЧИЛДИ

Ўзбекистон-Япония марказида Профессинал менежмент йўналиши бўйича таълим дастурининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Учинчи маротаба ташкил этилган мазкур курсга бир неча босқичли синиоалдан муваффақиятли ўтган ўн саккиз нафар тингловчи қабул қилинди. Бўлажак менежерларнинг барчаси олий маълумотли, аксарияти амалиётда ҳам тажри-

ба тўллашга улгурган.

Курс тингловчилари беш ой давомида ўндан ортиқ фан бўйича таълим олади. Дарслар мамлакатимиздаги олий ўқув юрлари ўқувчилари ҳамда япониялик етакчи мутахассислар томонидан ўтказилади.

Машғулотлар энг замонавий таълим технологиялариға эга бўлган Ўзбекистон-Япония марказида ўтади. Ўқув дастури-

да назария билан бирга, амалий машғулотларға ҳам кенг ўрин берилган. Тингловчилар мамлакатимизда фаолият юритаётган фирма ва компанияларнинг фаолияти билан бевосита танишиш имконига эга бўлади.

Маросимда Япониянинг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва муктор элчиси Акио Кавато иштирок этди.

(ЎЗА)

**Спорт**

**Шаҳар босқичи ўтказилди**

Келахатимиз ворислари — ёшларимизни маънан етук, жисмонан баркамол қилиб воёга етказишда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрни бекиёс. Шу боис ҳам айни кунларда ўрта махсус касб-хунар таълими тизими ўқувчилари ўртасида ташкиллаштирилган «Баркамол авлод» спорт ўйинларига старт берилди.

Шаҳримиздаги 15-спорт мактабидан «Баркамол авлод» ўйинларининг шахмат бўйича Тошкент шаҳар босқичи мусобақалари ўтказилди. Академик лицей, коллежаларнинг шахматдан хабардор иктидорли ўқувчилари иштирок этаётган ушбу турнирда Фуркат Исломовга тенг келадиган рақиб топилмади. Эндиликда Фуркат ғолиб сифатида кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

**Хорижликлар эътирофи**

Мамлакатимизда миллионлар ўйини — футболни ривожлантириш борасида қилинаётган ислохотлар самара бера бошлади. Буни хорижлик мутахассисларнинг эътирофидан ҳам билса бўлади. Чунки жаҳон радио тармоғи хабарига кўра, футбол бўйича мутахассислар йилнинг энг яхши миллий чемпионатлари рўйхатини эълон қилишган. Шуниси қувонарлики, хорижликлар эътирофига кўра 50 та давлат орасида Ўзбекистон миллий чемпионати ҳам тилга олинган.

**Фуломов «Трактор»га қайтди, лекин...**

Пойтахтимиз шарафини ҳимоя қилаётган «Трактор» жамоаси футболчилари янги мавсумга тайёргарликни аллақачон бошлаб юборишган. Шуниси қизиқки, ўтган йилнинг иккинчи даврасидан жамоани тарқ этган бош мураббий Мирзохид Фуломов яна сафга қўшилди. Бирок, энди у «Трактор» ўринбосарлари билан иш олиб боради. Яна бир хабар шуки, жамоанинг иктидорли ҳужумчиси Илхом Мўминжонов Наманганининг «Навбахор» сафига ўқув-машғулот йиғинларида қатнашаётганлиги. Сўнгги маълумотларга кўра, Илхом «Навбахор» раҳбариятига маъқул келган. Энди у наманганликлар таркибидан тўп суриши мумкин.

**Тажриба ўз сўзини айтиди**

Футбол бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпионатида тайёргарлик кўраётган Виктор Борисов етакчилигидаги Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари Бирлашган Араб Амирликларида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказишгани ишқибозларга маълум. Араб мамлакатидан ёшлар учта ўртоқлик учрашувида кучли жамоаларга қарши майдонга тушишди. Дастлаб «пахтакор»чилар устидан 2:1 ҳисобда галаба қозонган ёшларимиз Германиянинг етакчи клуби «Бавария» билан куч синашди. Шуниси аҳамиятлики, тенг курашлар остида ўтган учрашувнинг биринчи бўлимидан сўнг ҳисоб 1:1 эди. Аммо иккинчи бўлимда тажриба, маҳорат барберида ўз сўзини айтиди. Германияликлар ёшларимиз дарвозасига яна уч марта тўп киритишга мавфаққ бўлишди. Хуллас 1:4 ҳисобидан яқунланган ушбу мurosасиз беллашувда ҳамюртларимиздан Д. Чепур немислар дарвозабонини доғда қолдиришга мавфаққ бўлди. Россиянинг «Ростсельмаш» жамоаси билан ҳамюртларимиз ўртасида кечган иккита ўйинда 0:4, 0:1 ҳисоблари қайд этилиб, россияликлар галаба қозонишди. Эртага ёшларимиз Тошкентга қайтиб келишад.

Ақбар Йўлдошев

**ЭЗГУЛИК ЙЎЛИ**

**Қатра**

Эй, инсон нималарни ўйлаясан? Ана шу муштумдек кина юрагингга олам дарди жо бўлгандек безовтасан. Дунёни титратаётган гала-говурлар сенинг тақдирингни четлаб ўтмагани ҳақиқат. Ох, сен ҳақингда нималар ёзишмади?! Нималарни гапиришмади?! Баъзан гап-сўзлардан бошингни ҳам қилиб, баъзан энсанг қотганча ўз ишингдан қолмайсан. Ҳаётнинг шундай қонунятлари борки, уларни ҳеч қачон, ҳеч қандай куч ўзгартира олмайди. Сен бунга ҳамиша ҳис этасан. Қани энди одамлар қалбидан кўтарилаётган меҳру-мурувватни, оқибатни, одамийликни жойига қарор топтириш фақат сенинг қўлингда бўлса.

Шунингдек, сесканиб ички бир титроқ борлигингни қамрайди. Қачонки автобусда, метрода тик турган аёл рўпара-


сида ўриндикқа ястаниб олиб, эр бошига иш тушганда, ўз жонини қутқариб томошабин бўлиб турган забардаст эркак ёки озгин, нимжонгина болаларни атрофига ўраб, бировнинг инъом-эҳсонига тама кўзини тикиб, хайр-садақага қўл узатиб ўтирган, тўрт мучаси соғ, ҳалол меҳнатнинг роҳатидан кўз юмган инсонларга кўзинг тушганида бу ҳолатлар атрофдагиларни, эшитганларни сескантирмаётгани, виждонини уйғотмаётгани, лоқайдлиги қийнайдигани сени.

Ҳаётда бундай инсонлар оз бўлсада учрайди, бироқ уларнинг тақдирлари хилма-хил. Кимдир турмуш тарзини ўзгартирган, ёлғизликка дош беролмаган. Кимдир садақатда собит, ёлғиз. Яна кимдир мурғаклари кўзига чўп солиб, ўз айшини ўйлайди, кимдир эса етимхонадаги болаларга иссиқ бағридан жой беради.

Эр эса шу тарзда яхшию ёмонни бирдек кўтарганича айланаверида, вақт илгарига сурилмаверади. Мавриди келганда ё муқофотлайди, ё жазолайди.

Соат «чик-чик»ини эшитяпсизми азимиз? У ҳаммани савабли, хайли ишларга чорловчи бир давлатга ўхшайди.

Иқболхон МУРОДОВА



**• БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН**

**Пиёзнинг сочи**

Бодринг тузлаш учун саримсоқ пиёзнинг пўстини тозалаб ўтирган она ённга жажжигина Ирода яқинлашиб, илтимос қилди:

— Ойижон, мен ҳам сизга ёрдан берсам майлими?

— Йўқ, қизим, саримсоқ пиёзнинг пўсти жуда қаттиқ, сен тозалаб олмайсан.

— Нега эъди, сиз пичоқ билан унинг сочини олиб беринг, қолганини ўзим уддалайман.

**Иссиғи чиқиб турибди**

Эрталабки нонушта вақтида она қизини шошилтирди:

**• ФУТБОЛ «Пахтакор» — кейинги босқичда**

**КЕЧА**

Россия пойтахти Москвада Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Кубоги гуруҳ ўйинларининг учинчи тур баҳслари бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз чемпи-

они «Пахтакор» футболчилари Литваннинг «Каунас» жамоасига қарши майдонга тушишди. Учрашувда бироз устунлиги тошкентликлар тарафидан бўлсада жамоалар муро-са йўлини танлашди.

Баҳс 0:0 ҳисобидан яқунлашиб «Пахтакор» 5 очко билан гуруҳда биринчи ўринни эгаллади ҳамда кейинги босқичда қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

(Ўз мухбиримиз)

**ТИЖОРAT ХАВАРПАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАВАРПАРИ ВА ЭЪПОНЛАР**

Давлат Божхона кўмитаси кўп қиррали нусха кўчирувчи техника воситаларини (минитипография) харид қилишга **ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**  
**Мурожаат учун телефонлар: 120-76-60**  
**Коммутатор: 120-76-00 ички: 26-11, 26-08.**  
 Тақлифлар эълон матни чиққан кундан бошлаб 25 кун мuddат ичида қабул қилинади.

Тошкент Ахборот технологиялари университети томонидан Сатторов Чори Тошмаметович номига берилган №99ТМ014 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

**Муассис:**  
Тошкент шаҳар ҳоқимлиги

**Бosh муҳаррир**  
Ақмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилик кўчаси, 32

**ТЕЛЕФОНЛАР:**  
хатлар — 133-29-70;  
эълонлар: 133-28-95, 132-11-39;  
факс: (3712) 133-29-09.

Ҳажини — 2 босма таъриф оғебет усулида босқичди.  
7587 нусxada босилди. Қўроқ бийимни А-3

**Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.**  
Нашр кўрсаткичи — 563

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почташхона» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва сақдаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбоса акцидорлик компанияси босмақосади.  
Қорхона манзилы: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.